



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 28 январь, сешанба, №10 (3511).

ПРЕЗИДЕНТ МИЛЛИЙ БАНК РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Давлат раҳбарига ўтган йили Миллий банк томонидан амалга оширилган пул-кредит сиёсати яқунлари ҳамда 2025 йилга мўлжалланган режаси тўғрисидаги ҳисобот тақдим этилди.

Президентга Қозоғистон иқтисодиёти ва молия тизимининг аҳоли, ишбилармонлик фаолиги, пул қадрсизланиши омиллари, шунингдек, ўрта муддатли мақсадга мувофиқ нархларни барқарорлаштириш ва пулнинг қадрсизланиш даражасини 5 фоизга етказиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Тимур Сулейменовнинг сўзларига кўра, ташқи инфляция босими кучаймоқда ва ички пул қадрсизланиши таваккаллари ҳамон мавжуд.

Бундан ташқари, Давлат раҳбари Миллий жамғарма маблағлари, олтин-валюта захиралари, Ягона нафақа жамғармасининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тинглади. Хусусан, 2024 йилда Миллий жамғарма маблағларини бошқаришдан тушган даромад 7,5 фоизга ошиб, 4,5 миллиард долларни ташкил этди.



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВ
МИЛЛИЙ БАНК РАИСИ
ТИМУР СУЛЕЙМЕНОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Миллий банкнинг олтин-валюта захиралари эса 45,8 миллиард долларга етди ва 27,4 фоизга ошди.

Пенсия активларини бошқаришдан олинган сармоявий даромад 3,4 триллион тенгени ташкил этди. Даромад эса пул қадрсизланишига нисбатан икки баравар ошиб, 17,8 фоизга етди.

Президентга валюта бозоридagi вазият таништирилиб, тенге барқарорлигини таъминлаш юза-

сидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар маълум қилинди.

Бундан ташқари, Тимур Сулейменов банк шўъбасидаги вазиятнинг барқарорлиги, шунингдек, молиявий барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари ва молиявий сиёсат самардорлигини ошириш режаси ҳақида гапирди.

Миллий банк раиси Президентга Миллий рақамли молиявий инфратузилмани ривожлантириш натижалари ва Фириб-

гарликка қарши кураш маркази фаолияти билан таништирди.

Йиғилиш якунида Давлат раҳбари пулнинг қадрсизланишини жилавлан ва молия шўъбаси барқарорлигини таъминлаш муҳимлигига эътибор қаратди ва Миллий банк фаолияти билан боғлиқ бир қатор аниқ топшириқларни берди.

Akorda.kz.

ЎЗБЕКИСТОН ТУҲФАСИ: ТУРКИСТОНДАГИ 5 МИНГ КИШИЛИК МАСЖИД ҚУРИЛИШИ ЯҚУНЛАНМОҚДА

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев Туркистон шаҳрига кираверишда жойлашган 5 минг кишилик янги масжид қурилиши билан танишди. Ҳоким масъул раҳбарлар билан учрашиб, қурилиш суръатларини тезлаштириш, ишчилар сонини кўпайтириш, хавфсизлик чораларига қатъий риоя этиш юзасидан топшириқлар берди.



Бу ерда минораларни тиклаш, электр ва сув таъминоти, дераза ўрнатиш ва пардозлаш ишлари давом этмоқда. Қурилиш ишларига 30дан зиёд курувчи ва 9та техника жалб этилган.

Туркистонда барпо этилаётган янги масжидда шарқ меъморчилигининг замонавий талқинини кўриш мумкин.

Иншоотни барпо этишда илғор жаҳон технологияларидан фойдаланилмоқда. Унинг умумий майдони 7,7 гектарни ташкил этади.

Масжид шунчаки ибодат маскани эмас, балки юртнинг меъморчилик аъналари ва ютуқларини акс эттирган бебаҳо обиди сифатида сайёҳларни жалб этувчи зиёрат масканига

айланиши лозим. Зиёрат туризми фақат ўтмишдаги алломалар, тарихий шахслар, азиз-авлиёлар дафн этилган гўзал мақбараларни зиёрат этишдан иборат эмас. Шунингдек, қадимги масжид-мадрасалар, мақбаралар ва бошқа диққатга сазовор қадимжолар билан бирга замонавий масжидлар ҳам сайёҳлар учун қизиқарли иншоотга айланиб, мамлакатимизнинг сайёҳлик тимсоли сифатида танилиши керак. Янги масжид келгусида ана шундай, замонавий Туркистоннинг жаҳонга машҳур тимсолига айланади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати маълумотлари асосида.

Аълочи ўқувчиларга рағбат

Тўлебий тумани ўқувчилари «Тау самалы» тоғ-чанги базасида дам олишди. Улар орасида 2024-2025 ўқув йилида республика ва вилоят миқёсидаги кўриктанловларда муваффақият қозонган ўқувчилар ҳам бор.



Хусусан, йўлланамалар спорт мусобақалари, санъат фестиваллари, фан олимпиадаларида аъло натижаларга эришганларга рағбат сифатида тақдим этилди.

Бу каби хайрия лойиҳалари йил бўйи давом этади.

Болалар Олатов ён бағирларида сайр қилиб, чанги учуши ва ўз қишлоғига ўзгача бир туйғу билан қайтишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Қозоғистон жаҳон ОАВларида



CentralAsia:

Қозоғистонни газлаштириш ва қуевурлар қуриш бўйича музокаралар

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг топшириғига мувофиқ, мамлакат бўйлаб 300 чақиримдан зиёд газ қуевурлари қурилиб, 2026 йилга бориб 1,7 миллион аҳолини газ билан таъминлайди. Бу ҳақда Қозоғистон Энергетика вазирлигига таяниб, CentralAsia наشري хабар берди.

Ижтимоий химояга муҳтож фуқаролар учун 24 фоизгача газ чеғирмалари жорий этилди, "Ижтимоий ҳамён" дастағи Ғарбий Қозоғистон вилояти ва Шимкент шаҳрида синовдан ўтказилди. Энди бу ташаббус бутун мамлакат бўйлаб жорий этилади.

Report:

Қозоғистон, Озарбайжон ва Ўзбекистон яшил энергия соҳасида ҳамкорлик қилади

Уч мамлакат яшил энергияни биргаликда ривожлантириш ва тарқатишда муҳим ҳамкорликни йўлга қўйиши арасида. Мавзу Озарбайжон Миллий мажлисининг Халқаро муносабатлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида муҳокама қилинди. Ҳужжатнинг номи – "Озарбайжон, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида яшил энергияни ривожлантириш ва тарқатиш бўйича стратегик шериклик тўғрисидаги битим".

Даруо:

Каспий денгизи сув сатҳининг пасайиши иқтисодиёт ва логистикага тўсқинлик қилиши мумкин

2023 йил июндан 2024 йил декабргача бўлган 1,5 йил давомида Каспий денгизи сатҳи 50 сантиметрга пасайди. Ўз навбатида, бу киргоқбўйи давлатларининг иқтисодиётига зарар келтириши мумкин. Ўзбекистондаги Даруо наشري Қозоғистон Парламенти Сенатида муҳокама қилинган мазкур масала юзасидан мақола чоп этди.

Умумий қиймати 42 миллиард тенге бўлган лойиҳа уч босқичдан иборат. Ҳозирда Қозоғистон бу ишни бошлаш учун молия манбаларини кўриб чиқмоқда.

Anadolu:

Қозоғистон картошка экспортини чеклади

Картошкани учинчи давлатларга экспорт қилишни олти ой муддатга чеклаш тўғрисидаги қарор қўшни давлатлардан талабнинг ортиши ва экспорт нархларининг ошиши сабабли қабул қилинди.

"Бош вазирнинг топшириғига кўра, Қишлоқ хўжалиги, савдо ва интеграция вазирликлари мамлакатимиз картошка бозоридagi вазиятни доимий равишда кузатиб бормоқда. Қўшни давлатлар, хусусан, Ўзбекистон томонидан талабнинг ортиши ва экспорт нархларининг юқорилиги туфайли картошка экспорти жорий йилда 1,5 минг тоннадан 411 минг тоннага, яъни 605 бараварга ошди", дея нашр Қозоғистон Ҳукумати баёнотидан иқтибос келтирган.

Қозоғистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, мавжуд захиралар 2025 йилнинг эрта ҳосилигача ички эҳтиёжларни тўлиқ қоплаш учун етарли бўлади. Савдо тармоқларида захираларни ҳисобга олмганда, 850 минг тоннадан ортиқ маҳсулот мавжуд.

24.kz. маълумотлари асосида.

ФЕВРАЛЬ ОЙИДАГИ ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ



2025 йил февраль ойида байрамлар йўқ, шу боис, қозоғистонликлар фақат шанба ва яқшанба кунлари дам олишади.

Қишнинг сўнги ойи йилдаги энг қисқа ой бўлгани учун қозоғистонликлар фақат 8 кун дам олади.

Февраль ойида касбий ва бошқа байрамлар мавжуд. Улар иш кунлари бўлишига қарамай, кенг нишонланади.

1 февраль – Қозоғистон Республикаси фуқаро авиацияси ходимлари куни;

2 февраль – Миллий матбуот куни;

15 февраль – Совет қўшинларининг чекланган контингенти Афғонистон Демократик Республикасидан чиқарилган кун.

БМТ ТАҚВИМИ

4 февраль – Бутунжаҳон саратон касаллигига қарши кураш куни; Халқаро инсонлар биродарлиги куни;

10 февраль – Жаҳон бошоқли дон экинлари куни;

11 февраль – Халқаро фан соҳасида меҳнат қилаётган хотин-қизлар куни;

12 февраль – Халқаро урушлар ва қуролли тўқнашуларда қатнашишга мажбурланган болаларни хотирлаш куни; Дарвин куни;

13 февраль – Жаҳон радио куни;

20 февраль – Халқаро ижтимоий адолат куни;

21 февраль – Халқаро она тили куни;

27 февраль – Бутунжаҳон ноҳукумат ташкилотлари куни.

Tengrinews.kz. маълумотлари асосида.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ – ИҚТИСОДИЁТ УСТУНИ

Тўлебий тумани ҳокими Еркеғали Алимқулов ва маслаҳат раиси Нурлан Қўйбағаров қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан танишиш мақсадида қатор аҳоли манзилларга бориб, меҳнат жамоалари билан учрашди.

– Тумanning иқтисодий-сариқовий салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда, – деди у. – Асосий этибор иқтисодий ислохотларни жадал давом эттириш юзасидан Президентимиз ҳамда Хукумат томонидан белгиланган қатор устувор вазибалар ижросини тўлақонли бажаришга қаратилмоқда. Энг муҳими, қўрилаётган чоралар ижобий натижа бермоқда. Утган йил мобайнидаги мақроиқтисодий кўрсаткичлар ҳам шунини исботлайди. Зеро, таҳлиллардан туман ички ялли худудий маҳсулот, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш, қурилиш ишлари, чакана товар айланми каби хизматларнинг ҳажми белгиланганига нисбатан ошириб бажаришди.

Аграр шўба ривожланиб, ер унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Балиқчилик соҳасини ривожлантиришга бел боғлаган тадбиркорлар бор.

Аҳоли манзилларини газ ва сув билан таъминлаш юзасидан ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқларда янги иш ўринлари очилмоқда. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан бандлик масаласида бизнес вакилларининг ҳам масъуллигини оширгани бу ишга янги талқин бермоқда. Яна қатор ўзига хос йўналишдаги бошқа дастурлар ижросини таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Ободонлаштириш ва кў-каламзорлаштириш дастури «Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади», деган гоёни ўзида мужассам этган. Унинг асосида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасида улкан бунёдкорлик тадбирлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, қишлоқларни замонавий меъморчилик талаблари асосида режалаштириш ва уй-жойларни лоийҳалаштириш ҳамда барпо этиш тизимини яратиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. На-

мунавий лоийҳалар асосида замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари бунёд этишга киришилди. Бу лоийҳаларни амалга ошириш учун йирик миқдордаги зарур маблағлар ажратилиб, ихтисослашган қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари тузилди. Натижада, кўркам уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш биносалари, спорт иншоотлари, кенг ва раво йўллар бунёд этилаётгани, транспорт қатнови, аҳолини ичимли сув, газ ва электр энергияси билан таъминлаш яхшиланаётгани, замонавий телеалоқа тизими кириб келганиги қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси юксалиб бораётганидан далолатдир.

Туман иқтисодий салоҳиятида саноат тармоғи ўзига хос аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳозир худудда жами 12та йирик ва 58та кичик саноат корхоналари мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Йилкичилик ривожланиб, 4та наслчилик хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларда 150дан зиёд



зотдор от боқилмоқда. Зотдор қорабайир отларини кўпайтириш ва от спортини ривожлантириш мақсадида Кемеқалган қишлоғида янги йилкичилик мажмуаси ташкил этилди.

Ижтимоий соҳа туман ҳокимининг назоратига олиниб, кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Туманда ижтимоий дўконлар сони йилдан-йилга ортмоқда. Айти кунларда 3595 одам ижтимоий ёрдам олмоқда.

Ҳоким раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Кўксаёқ қишлоғидаги «Keremet agro Group» қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ширкати боғбонлари билан учрашди. Бу ерда янги технологиялар ёрдамида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш

режаланмоқда. Йилига икки марта ҳосил олиш масаласи ҳам кун тартибиде.

Туманда бундан ташқари яна қатор ўзига хос йўналишдаги бошқа дастурлар ижросини таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Улардан бири – балиқчилик жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда туманда бу ишни бошлаган тадбиркорлар сони 16 нафарга етди. Утган йили тўрт нафар тадбиркор ўз маблағлари ҳисобидан балиқчилик хўжалиги очган бўлса, эндиликда улар тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтирмоқда. Улардан бири – “Сарсенов Сакен” МЧБ. Киелитас қишлоғида 0,14 гектар майдонда балиқ ҳовузи барпо этилиб, 7 мингдан зиёд турли балиқлар етиштирилмоқда.

Бундан ташқари, хусусий тадбиркор Исмоил Абдуллаев 0,20 гектар майдонда маҳсул ҳовуз қуриб, 10 мингдан зиёд балиқ етиштирмоқда.

Тоғли худуддаги Жумағали Қияков ва Ўлжас Султонқуловлар Қаратўбе қишлоғидаги томорқаларида 13 мингдан зиёд балиқ парваришлашмоқда.

Сўнг Еркеғали Алимқулов ва Нурлан Қўйбағаров “Қазақбиту” МЧБнинг фаолияти билан танишди.

Туман ҳокими томонидан соҳа раҳбарларига юзга келган муаммоларни ҳал этиш йўлларини қўриб чиқиш буйича топшириқлар берилди.

О. РАҲИМҒОЗИЕВ.

»»» Ленгер шаҳрига – 80 йил

Жаҳон тамаддунининг қадимий ўчоқларидан бири, ер юзининг сайқали номини олган Буюк Ипак йўлининг бир бўғини бўлиши Ленгер шаҳри жорий йилда 80 йиллигини нишонлайди.

Ленгер жуда бой ва қадимий тарихга эга. Шаҳарнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти ниҳоятда мураккаб жараёнда кечган. Археологик маълумотларга кўра, тош давридаёқ одамлар бу ерни макон айлаган, қорахонийлар давридаёқ ривожланган шаҳарлардан бирига айланган. Бунга жойнинг серунум тупроғи, мўътадил иқлим ва одамзод яшаш учун қўлай шароит мавжудлиги сабаб бўлган. Қоржон Олатов бағрида ибтидоий одамлар яшаган манзилгоҳлар топилган.

20 миллат вакиллари тотувликда умргузаронлик қилаётган бу шаҳардаги залворли қурилишлар, янгиликлар ва ободончилик ишлари оммавий ахборот воситаларида кенг ва батафсил ёритилмоқда.

Ленгернинг тарихи минг йилларга бориб тақалсада, унга шаҳар мақоми 1945 йили берилган, унга қадар Ленгерсой ишчилар қасабаси деб ном-

ИНДУСТРИАЛ ТАРАҚҚИЁТ МАЙДОНИ

ли минглаб арча дарахтлари экилмоқда. Туман раҳбарининг ташаббуси ҳамда бевосита раҳбарлиги остида шаҳарда яшил худудларни кенгайтириш дастури ишлаб чиқилган. Бунда асосий этибор шаҳардаги ҳар бир майдон меъморчилигининг ўзига хослигига қаратилди, қадимий анъаналар, биноларнинг жойлашуви инobatга олинди. Шаҳар майдонининг 20 фоизи қисқа муддатда яшил худудларга айлантирилгани унинг экологияси сезиларли даражада яхшиланишига кўмаклашди. Шаҳарни экологик жиҳатдан тоза ва озода сақлаб туришда унинг худудидан оқиб ўтайдиган ўзанларнинг аҳамияти беқиёс. Бугунги кунда уларнинг тозаллигига ҳам алоҳида этибор қаратилмоқда.

Ленгерликларнинг аксарияти Шимкент шаҳридаги корхоналарда ишлашади. Янги иш ўринлари яратиш мақсадида шаҳарнинг шимолий қисми-



туфайли саноат ривожланиб, 1945 йили Ленгерга шаҳар мақоми берилган, ўнлаб завод ва фабрикалар барпо этилган. 1970 йилларда Ленгердаги кўмир конлари ёпилиб, ҳозирги кунда индустриал шаҳарга айланмоқда.

Тарихий ҳужжатларга эътиборингизни қаратамиз. Тарихчи олим Н. Розеньфельд Ленгер “тўхтаб ўтадиган жой”, “тамаддиҳона” маъносини билдиради, деб ёзади. Олим Е. Мирзаев Ленгер сўзи “меҳмонхона” маъносини билдиради”, дейди. Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда ҳам бу атаманинг учрашини айтади.

Тарихдан маълумки, Буюк Ипак йўли қаровллари Ленгер ва Сайрам атрофларидан бетиним қатнаб турган. («Қазақ ұлттық энциклопедиясы 6 т. 247-бет»).

Ҳоким сифатида Ленгер шаҳри тараққиётига салмоқли хисса қўшган Тағабай Саулембаев туман марказини ривожлантириш борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

– Шаҳарда енгил саноатни тиклаш ва ривожлантириш керак. Бу биринчи қадам. Енгил саноат учун зарур бўлган хомашёни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Яъни енгил саноат кластерини тиклаш зарур. Бунинг эвазига:

- ички айланма ўсади ва аҳоли даромади ошади;
- аҳоли янги иш ўринлари билан таъминланади;
- вилоят аҳолисининг енгил саноат маҳсулотларига талаби қондирилади;
- импортга эҳтиёж камаяди ва шаҳар иқтисодиёти ривожланади;
- жаҳон бозорларига рақобатбардос тайёр маҳсулотлар билан чиқиш имконияти юзга келади.

Ишсизлик муаммосини ҳал қила олган жамият нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳада ҳам ижобий ўзгаришларга эришиши мумкин. Бундан ташқари, жамиятда жиноят ва қонунбузарлик даражасининг пасайиши, маънавий таназзул ҳолатлари камайиши ишсизлик муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир, – дейди у. – 1986 йили Ленгер шаҳридаги тикувчилик фабрикасига тажриба алмашиш мақсадида Ҳиндистон делегацияси ташриф буюргани ҳам шонли тарих.

1987 йили Ленгер машина-созлик заводиде ишлаб чиқарилган гильотин ускунаси Жаҳон саноат палатасининг олий мукофотига сазовор бўлган. Хуллас, аҳоли бандлигини таъминлаш муаммосини ҳал этиш қишлоқда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Бугун саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб бориш, хусусан, маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик корхоналарни қишлоқларга жойлаштиришни маҳаллий ҳокимликлар, тадбиркор ишбилармонлар, турли мулк эгалари олдига асосий вазифа қилиб қўйилгани тасодиғи эмас.

Бугунга қадар хизмат кўрсатиш тармоқлари асосан шаҳар ва туманлар марказларида кўпроқ жойлашган бўлса, энди уларни қишлоқларда, ҳаттоки, энг олис овулларда ҳам ташкил этиш эҳтиёжи тобора ортмоқда. Зеро, хизмат кўрсатиш тармоқлари даражаси мамлакатнинг тараққий этаётганини, жамият ривожланаётганини намоён этувчи муҳим мезондир.

А. АБДУФАТТОВ.

»»»“Сўранг, жавоб берамиз!”

ЙИГИТЛИК БУРЧНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРМАДИМИ?

Оиламда муддатли ҳарбий хизматга қақириладиган ёшдаги ўғлим бор. Бу йил ҳарбий хизматни ўташ тизимига ислохотлар бошланади, деб эшитдим. Бу борада қандай янгиликлар бор?

Г. САЛИМОВА, Сайрам тумани.



2025 йилда Қозоғистонда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақириб мавсуми апрель ойидан бошланади ва июнгача давом этади. Қақирилувчиларнинг сафарбарлик муддати октябрдан декабрь ойигача давом этади. 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган ёшларни ҳарбий хизматга қақириб тартиби бироз ўзгарди, энди 2025 йилдан эътиборан, Қозоғистонда захирадаги ҳарбий хизмат жорий этилди. Хўш, бу янги хизмат тури нима учун керак?

Захирачи ўқув-машғулот йиғинлари пайтида ҳарбий хизматчи мақомини ҳам олиши мумкин. Бу МДҲда қўлланилаётган тажриба. Дарвоқе, захирачиларга иш ҳақи, тиббий сугурта ва бошқа имтиёзлар кафолатланади. Захирадаги аскарлар ёши 18-60 ёшгача. Бу хизмат тури ихтиёрий.

Армияга боришдан бўйин товлаганлик учун жазо турлари ҳам деярли ўзгармади. Ҳарбий хизматдан бўйин товлаган шахс ҚР Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилади, яъни 1 йилгача озодликдан қисман маҳрум этиш жазоси ёки 1000 ОҲҚ миқдорида жарима солинади ёки ахлоқ тузатиш ишларига юборилади. Агар аскарликка қақирилган шахс “сохта касал” бўлиб қолса, ҳужжатларни сохталаштирса ёки ўз соғлиғига зарар етказса, унда 3000 ОҲҚ миқдорида жарима ёки 3 йиллик муддат тайинланади.

2025 йилда ҳарбий хизматдан озод этиладиган тоифалар деярли ўзгармади. Жумладан, саломатлиги туфайли яроқсиз деб топилганлар, 27 ёшга тўлганлар, қариндошларидан бирортаси (отаси, онаси, ака-укаси ёки опа-сингилиси) ҳарбий хизмат пайтида вафот этса, ёки ногирон бўлиб қолса, бошқа мамлакатда ҳарбий (муқобил) хизматни

тутатса, ҚР махсус давлат орگانларида хизмат қилса, ўқий буйича илмий даражага эга бўлса, диний бирлашмаларда рўйхатга олинган диндор шахслар бўлса.

Армиядан кечиктириш муҳлатини олиш имконияти ҳам, сабаблари ҳам ўзгармади.

Агар қақирилаётган фуқаро турмуш қурган ва бир нечта фарзанди бўлса ёки боласини онасиз тарбиялаётган бўлса, унда оилавий шароити туфайли армиядан вақтинча қолдирилади. Агар у оиласида ягона боқувчи бўлса ёки ногирон қариндошига ғамхўрлик қилса, бунда ҳам юқоридаги ҳуқуқ сақланади.

Иккинчи ҳолда, умумий ўрта маълумот олиши ёки бакалавр (магистр) даражасида бўлиши керак. Агар қақирув қогози таълим муассасасига қабул қилинишидан олдин келган бўлса, унда ўқимочки эканлигини билдирувчи ҳужжатларни тақдим этиши талаб этилади.

Саломатлиги туфайли кечиктириш муҳлати тўлиқ тиббий қўриқдан ўтгандан кейин берилади. Лекин бу ҳолда ҳам ҳар қандай касаллик туфайли армиядан қолдирилмайди, фақат махсус рўйхатга киририлган хасталиклар бўлиши керак.

«Бошқа» сабаблар деганда, агар қақирилаётган йигит қишлоқда ўқитувчи ёки шифокор бўлса, ёки Парламент депутаты ёки маҳаллий ваколат органлари вакили бўлса, унда кечиктириш имконияти берилиши мумкин.

Агар қақирув пайтида тергов ишлари олиб борилаётган бўлса ёки судларда жиноий ишлар қўриб чиқилаётган бўлса, унда ҳам ҳарбий хизмат кечиктирилади.

Н. МАВЛОНОВА тайёрлади.



ланган. Аҳолиси Қозоғистон ва Россиянинг турли бурчакларидан кўчиб келган қончилар ҳисобига кўпая борган. 1972 йили Ленгер шахтаси ёпилгач, қончилар Қарағанди, Экибастуз, Донецк шаҳарларига кўчиб кетишган.

Мустақиллик йилларида шаҳарда янги давр бошланди. Утган давр шаҳарликлар учун том маънода бунёдкорлик даври бўлди, десак, муболага бўлмайди. Бугунги кунда ана шундай ижобий жараёнлар самараси ҳар қадамда кўзга ташланади. Энг муҳими – қисқа муддатда одамларнинг онгу тафаккури, турмуш тарзи ўзгарди.

Вилоят раҳбарлари мустақилликнинг илк давридан шаҳарни сайёҳлик маркази сифатида ривожлантиришга эътибор қаратиб келмоқда. Худудда юзлаб дам олиш масканлари фаолият юритмоқда.

Ленгер йил бўйи ям-яшил бўлиб туриши учун ҳар йи-

дан 60 гектар ер ажратилиб, индустриал худуд барпо этилмоқда.

Энди Ленгер шаҳри номининг келиб чиқиши ва унинг маъносига келсак, бу борадаги бахслар ҳамон давом этмоқда. Айрим муаллифлар Ленгер немисча исм деб иддао қилса. Бошқалари Ленгер сўзи руслаштириш сиёсати туфайли Ленгер бўлиб кетганлигини кайд айтишади.

Мозийга назар соладиган бўлсак, Буюк Ипак йўлида Ленгер орқали шарқ ва гарб савдоси амалга оширилди. XI асрдан бошлаб Ленгер қораконийлар давлати таркибига кирган. 1089 ва 1130 йилларда уни салжўқийлар босиб олган, XII асрдан қорахитойларга тобе бўлган.

Шўро Инқилоби даврида Ленгер қончилар шаҳарчаси бўлган, Улуг Ватан уруши даврида эса шаҳар фронтни қўмир билан таъминлаган, қончилик

ПОЛИЦИЯЧИ БЎЛИШ ОРЗУИМ ЭДИ

Шерзод Ҳайдар ўғли Ҳасанов – полиция майори. Шимкент шаҳар, Қаратов туман, Сайрам даҳаси полиция бўлимининг катта участка ноҳири. 1977 йил 23 июлда туғилган. Б. Мўмишули номидаги ҚР ИИВ ҳуқуқшунослик коллежи, Жанубий Қозоғистон педагогика университети, Семей милиция мактабини тамомлаган. Бакалавр илмий даражасига эга.

Ш. Ҳасанов фаолият юритаётган Сайрам аҳоли манзилидаги полиция бўлими 56 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда ушбу аҳоли манзилига масъул катта участка ноҳири, полиция майори Шерзод Ҳайдар ўғли раҳбарлигида полиция майори Ерлан Жакелов, Бексултан Амзеев, полиция капитани Талгат Алдияров, Мухтар Мустапаев, Нургелди Аманжўлов, Алибек Нурматаев аҳоли осойишталигини таъминлаш, тартиббузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш каби ишларни юритишмоқда. Полициячиларнинг масъулияти мўл ишини эътиборга олган ҳолда, катта участка ноҳири, полиция майори Шерзод Ҳасанов билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.



– Шерзод Ҳайдар ўғли, сиз раҳбарлик қилаётган полиция бўлими тўғрисида маълумот берсангиз?

– Мен билан олти нафар участка ноҳири 56 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Яъни, Шапирашти ва Ҳатемисга алоҳида нозир, Амир Темир кўчасига икки нафари масъул, Иброҳим ота (Қизилсув) ва Ленин мавзёлари алоҳида участка нозирлар бириктирилган. Қонуан бизда саккиз нафар участка нозирлари ишлаши зарур. Яқинда сафимиз кенгайиши керак.

– Ўтган йилда қанча жиноят очилмай қолди?

– 2024 йилда бизда очилмай қолган жиноятлар йўқ. Интернет фирибгарликлар бундан мустасно. Шукри, бизда оғир жиноятлар деярли йўқ. Аҳоли орасида олиб бораётган профилактика ва маърифат ишларининг самараси бу. Лекин битта қотиллик содир бўлди. Қирқмозор даҳасида истиқомат қиладиган фуқаро рашк туфайли ўртоғини пичоқлаб қўйди. Биттаси сува чўкиб, ҳалок бўлди. Яна бир фуқаро автоҳалокатда ҳалок бўлди. Бундан бошқа оғир жиноятлар содир бўлмади. Бир-икки ўғрилиқ ҳолатлари қисқа муддатда очилди. Тубебий, маҳалла кўмитаси раислари билан интернет фирибгарлигининг олдини олиш юзасидан ҳамкорликда

куч қақришга тўғри келади. Ёшлар машиналарида тартиббузарликлар содир этишарди, балонлар ёқишади. Қўшимча куч қақришга мажбур бўлардик. Жорий йилда ҳам қўшимча наряд чақирдик. Соат уч ярим-тўртгача одамлар ҳаракати тўхтамади, лекин ҳеч қандай ноҳуш ҳолат рўй бермади. Шаҳарнинг бошқа жойига нисбатан Сайрам даҳаси тинч.

– Интернет фирибгарларнинг тузоғига асосан кимлар илнимоқда?

– Ёши катталар, содда опа-сингилларимиз уларнинг ҳийласига ишониб қолишмоқда. Бу борада айб ёшларнинг ўзларида, улар тез бойиб кетишни исташади, лекин оқибатда жабрланиб қолишмоқда.

– Оилангиз ҳақида гапириб ўтсангиз?

– Уч фарзандим бор. Тўнғич қизим Гулиҳоним турмуш қурган, набирам бор. Ўғлим Юсуф Астана шаҳрида тиббиёт ўқув юртида таҳсил олади. Кичик қизим Милана 11-синф ўқувчиси. Турмуш ўртоғим Волида Ҳасанова ҳамшира.

– Ҳозирги замон полициячиси қандай бўлиши керак?

– Полициячи халқ билан бирга бўлиши, уларнинг ишончини қозониши



иш юритяпмиз. Муружаатларимиз ҳар бир оилага етиб бормаяпти, ёки одамлар унга бефарқ қарашмоқда. Бизда, асосан, оилавий низолар кўп. Лекин тушунтириш ишлари натижасида улар ҳам 60 фоизга камайди. Жанжалларнинг аксариятига телефон сабабчи.

– Оилавий зўравонликка қарши қонунлар қучайтирилмоқда...

– Ҳозир аёлини урган одамга нисбатан жиноий иш очилиб, 108, 109-модда билан иш кўзгатишмоқда. Ҳақорат қилгани учун 73-моддага биноан қамоққа олинмоқда. Афсуски, бу каби жиноятлар бизда ҳам рўйхатга олинмоқда. Куни кеча турмуш ўртоғини ҳақорат қилгани учун уч нафар фуқаро 5 кечакундузга қамалди. Биринчидан, бизда ўсимирлар орасида жиноят содир этилмаган, иккинчидан, фарзандларига зўравонлик қилиш юзасидан ариза келиб тушмаган. Шаҳарга нисбатан бизда ҳали ҳам ёшлар катталарни ҳурмат қилади. Ходимларимиз ҳар бир мактабда видеоназорат намойиш этиб, маърифий ишларни олиб боришмоқда. Бу жиҳатлар ҳам кўрсаткичларнинг ижобий бўлишига замин яратмоқда. Ҳозир “МэФ” деган синтетик гиёҳванд модда пайдо бўлган. Лекин бизда унга оид ҳолат аниқланмади. Ўтган йилда 13та нашага оид ишни ўтказдик. Жорий йилда эса битта ҳолат аниқланди. Ўтган йилда уч нафар фуқаро наша олди-сотдиси бўйича қамоққа олинди. Йилдан-йилга нашага оид ҳолатлар ҳам камаймоқда. Буни прокуратура ҳам эътироф этмоқда, лекин улар бизни яхши ишлашмасликда ҳам “айблашди”.

– Ҳар йили Янги йил байрамида ОМОН қақрилади, қандайдир ноҳуш воқеа содир бўлади. Бу йил байрам тинч ўтдими?

– Ҳа, шундай. Байрамда қўшимча

керак. Шунда унинг обрўси ошади. Полициячи кийиниш маданияти, тартиби билан ўзгаларга ибрат бўлиши жоиз. Биз қилган яхши амалларимизни кўз-кўз қилишни ёқтирмаймиз. Шундай бўлса ҳам айтиш жоизки, бўлишимиз хайрия тадбирларида фаол иштирок этади. Йилга икки марта эҳсон қиламиз. Кам таъминланган, кўп болали оилаларга баҳоли қудрат ёрдам бериб келмоқдамиз.

– Сизларда иш вақти белгиланмаган. Ҳар хил вазиятлар бўлади. Ишдан бўшайман, деган ҳолатлар бўлганми?

– Бу касбга меҳр қўйиб, ўзим танлаганман. 30 йилдан буён шу соҳада фаолият юритаман, ҳар қандай вазиятда ишдан бўшаш фикри туғилмаган. Эрталаб соат 6.30да ишда бўламан. Уйга энг эрта қайтганим соат 23.00 бўлади. Чарчаймиш, уйдаги муаммолар... Ойлик оз бўлгач, оилада моддий қийинчиликлар ҳам бўлади, руҳан ҳам чарчайди одам. Ҳеч қачон ишни ташлаб кетиш ҳақида ўйламаганман. Ҳозир ёшлар ишга келишади, бироқ ойлиги оз экан, дейишади.

– Полициячилар жисмонан бақувват, аллқомат бўлиши керак. Бунинг учун алоҳида шугулланишадими?

– Мен кикбоксинг ва каратэ-до шотакандан спорт устасиман. Осиё чемпиони бўлганман. 10 йил давомида қўл жанги мусобақаларида департамент шарафини ҳимоя қилганман. Ҳозир ҳафтада икки марта залга бориб, спорт билан шугулланаман. Бир йилда икки марта билимимиз ва спорт бўйича тест топширамиз. Шу сабабли, жисмоний ҳолатимиз яхши бўлиши талаб этилади.

– Мазмунли суҳбат учун ташаккур!

Хуршид ҚўЧҚОРОВ.

»» Обуначиларимиз орасида

ФАРЗАНДЛАРИ МАСЖИД ҚУРГАН ҚУТЛУФ ХОНАДОНДА

Шаҳарлар ўртасидаги Ўранғай қишлоғидаги “Жанубий Қозоғистон” газетасининг кўп йиллик фаол жонқуяри, ҚР фахрий спорт арбоби, марҳум Ирискул Сулаймонов хонадонига унинг спортчи шогирди Тойир Тойжонов ҳамроҳлигида ташриф буюрдик.



Ирискул Сулаймонов спортнинг кураш соҳаси фидоилари, жаҳон, республика, вилоят, туман миқёсидаги чемпионлар ҳақида батафсил маълумот берувчи “Туркistonнинг спорт тарландари”, деган китобни 2019 йили нашрга тайёрлаб, чоп этганлиги шонли тарих.

Хонадон соҳибаси, муулмончиликнинг барча фарзани адо этган нуруний онахон Норхон Абдусаммад қизи фарзандлари Абдулла, Абдурайим, Феруза, Алимардон, Алишерлар билан бамаслаҳат ҳолда қишлоқ марказида мухташам, барча қулайликларга эга замонавий масжид барпо этиб, улкан савобли ишга дохил бўлганлиги кўпчиликлари ибрат. И. Сулаймонов хотирасига бағишланган мусобақалар ҳам фарзандлар ҳомийлигида ташкил этилаётганлигини ифтихор ила таъкидлаш жоиз.

Мулоқот чоғида Норхон Абдусаммад қизи Туркiston шаҳридаги А. Навоий номи мактабда устоз Мунаввар Қайюмова раҳбарлигида ўқиб, таҳсил олганлиги, у пайтда ўқув даргоҳи директори Муҳаммадрайим Абдураулов, илмий бўлим

мулдир эса Тожиддин Фармонқулов бўлганлигини соғинч ила эслаб, тилга олди. Устозлари Мунаввар Қайюмовани таваллуд кунларида муборакбод этиш аънаанага айланганлиги эътиқодли шогирдларнинг яна бир ибратли жиҳатидир.

Эътиқодли муштарийларимиздан бири Ирискул Сулаймонов аънанасини изчил давом эттириб, фарзандлари оилаларини ҳам она тилимиздаги “Жанубий Қозоғистон” газетасига ёздирётган фаол обуначимиз Норхон Абдусаммад қизи билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.



мад қизини Наврўзи олам шодиёнаси билан бақамти келадиган 26 март таваллуд куни муносабати билан фарзандлари, неваралари ҳамда тахририят номида самимий муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик ва барча эзгу ниятларни тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: хонадон соҳибаси Норхон Абдусаммад қизи; И. Сулаймонов; И. Сулаймонов тайёрлаган китоб.

Муаллиф суратга олган.

»» Обуна яқунлари

2025 йилнинг биринчи ярмига даврий нашрларга обуна асосан поёнига етди. Давлатимизнинг оқилбон сиёсатини 34 йилдан буён тарғиб қилаётган, Қозоғистондаги ўзбеклар учун нашр қилинаётган “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси адади 11500 нусхага етди. Бу кўпчилигининг фидоий меҳнати, саъй-ҳаракатлари натижасидир.

ИБРАТ ОЛСАК...

ҚХА таркибидаги Баҳодир Ирисметов бошчилигидаги вилоят УЭМБ кенгаши йиғилишида туман, шаҳарларда обунани уюшқоқли ташкил этиш хусусида муружаатнома қабул қилинганлиги муштарийларимизга маълум.

Жорий йили 101 ёшга тўладиган отахон нашр “Оңтўстік Қазақстан” адади – 33794 нусхани ташкил

этди. Бу кўрсаткич “Жанубий Қозоғистон” газетасига нисбатан уч баравар кўп. “Оңтўстік Қазақстан” муштарийларидан ибрат олсак арзийди.

Зеро, ҳикмат излаганга ҳикматдур дунё, деган нақл бежиз айтилмаган.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.



»» Хотира – муқаддас, қадр – абадий

ШЕРТНИНГ ШАРАФЛИ ФАРЗАНДИ



Шимкент, Жанубий Қозоғистон ҳамда ташкил этилганга етти йил тўлаётган Туркiston вилояти равақли тарихи замирида кўплаб ҳамюртларимизнинг ҳимматли меҳнати мужассам. Жорий йили таваллудига 86 йил тўладиган Сармон Абдусаттор ўғли ҳам меҳнати, тажрибаси ҳамда ҳимматини минтақамиз тараққиётига бахшида этган камтар ва олижаноб инсон.

Сармон Абдусатторов 1939 йили Шерт қишлоғида туғилган. Қишлоқда мактаб бўлмаганлиги боис, Қўрнок қишлоғидаги интернатда таълим олди. Илгга чанқоқлиги ва зийраклиги туфайли мактабни, сўнг Тошкент Халқ хўжалиги институтини бухгалтер-иқтисодчи ихтисоси бўйича муваффақиятли тамомлади. Меҳнат фаолиятини 1961 йили ҳозирги Саврон, собиқ Туркiston туманига қарашли Бобойқўрғон қишлоғида иқтисодчи-ҳисобчи бўлиб бошлади. Билими, тажрибаси, эътиқоди ила қишлоқ тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Сўнг Югнак қишлоғидаги “Коммуна” жамоа хўжалигида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Ташкилотчилиги ва теран изланувчанлиги ҳамда билими боис, туман марказидаги бирлашмадаги масъулиятли лавозимга тайинланди. 1976 йилдан туман агросаноат бирлашмасида ревизор, бош ҳисобчи лавозимида меҳнат қилди.

Туркiston туманидаги 16та жамоа ва давлат хўжаликларининг ойлиқ,

чорак ва йиллик ҳисобот ишларини бажариб, вақт билан ҳисоблашмасдан самарали меҳнат қилган. Хўжаликларнинг ҳисоботини вилоятдаги марказий ташкилотга тайёрлаб берарди. Кейин Учқайиқ қишлоқ округидаги Така қишлоғида ўз соҳасида ишлаб, нафақага чиққан. Киндик қони тўкилган қадрдон Шерт қишлоғида биринчилардан бўлиб фахрий отахонлар учун масжид бунёд этган. Имкон даражасида муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатган. Сармон Абдусаттор ўғли беш йил муқаддам, 2020 йили вафот этди.

Ҳаётлигида аждодлар ва авлодлар хусусида маълумотларни тўплаб, китоб чоп этишдек муқаддас орсунини амалга оширди. 2005 йили кўп йиллик меҳнатлар ва саъй-ҳаракатлар эвазига мақоламиз қахрамо-

кўламдор китоб муқаддимасида муаллиф Сармон Абдусаттор ўғли “Ўзидан олдин ўтган аждодларини ҳамда қадрдон эл-юрти тарихини билмоқ, ҳар бир фуқаро учун муқаддас бурчдир,” дея шарафли мақсадини баён этган.

Оила муқаддас кўрғон. Сармон Абдусаттор ўғли умр йўлдоши Улбўсин Эрназар қизи билан олий маълумотли қобил фарзандлар тарбиялаб, воғга етказди. Хусусан, ўғил-қизлари Шарофат, Фароғат, Ирисжон, Ҳамза, Ҳидоят, Қахрамон, Мирза Туркiston, Кентов ҳамда Саврон туманида турли соҳаларда самарали меҳнат қилишмоқда. Пири бадавлат сулоланинг неваралари, эвара, чеваралари камол топмоқда.

Сармон Абдусаттор ўғлининг нури-ли хотираси уни билган ва қадрлаган



ни ташаббуси билан ўтмиш аждод ва бугунги авлод вакиллари ҳаёти, фаолиятини қамраб олган китоб нашр этилди. Тўлмуҳаммад ота сулоласи ҳақида батафсил маълумотлар баён этилган ушбу китоб шу авлоднинг ёшлари учун муҳим шажара бўлиб қолди. 108 саҳифадан иборат

барча ҳамюртлари, фарзандлари, неваралари қалбида ҳамда ўзи яратган китобда мангу яшайди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Сармон Абдусаттор ўғли; оила даврасида.

»»» Меҳнатдан кадр топганлар

Ҳар бир даҳада тайёрланган ширмой патирларнинг мазаси ўзгача, бошқа қишлоқ ёки мавзенинг аъёнлари такрорланмайди. Қаҳрамонимиз тайёрлаган патирлари синдирилиб, ёш йигит-қизларимизнинг никоҳлари ўқилади, хонадонларда тўй тараддуди бошланади, янги оилалар дунёга келади. Унинг тайёрлаган патирлари, турли пишириқлари нафақат Қозғоғистонимизда, АҚШ, Европа мамлакатларида ҳам машҳур. Унинг мазасини татиб кўрганлар яна излаб келаверади.

Бу Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасида истиқомат қилувчи суҳбатдошимиз Раънохон Тошматованинг патирлари. Дастурхондаги ширмой патирларда опанинг порлаб турган чехрасини кўргандек бўлдим. Уларда ўхшашлик топгандек бўлдим. Эпчил ҳаракатидан, сўзлашув услубидан, умуман, ҳар бир ишдан нафосат уфуриб турган инсон. Инсоннинг йиллар бўйи амалга ошираётган иши унинг нафақат турмуш тарзига, ҳатто чехрасидаги юз ифодаларига ҳам таъсир кўрсатиши, умуман олганда, сингиб кетиши ҳақиқатлигидандир балки...

АСРИЙ
ҚАДРИЯТЛАР
ЭЪЗОСИ

Учрашувимиз куни ҳам опа талайгина буюртмаларини бажариб, ижтимоий тармоқларга суҳбат беришга ҳам улгурибди. Ўзбек халқининг яшаш турмуш тарзи, оилавий қадриятлар, аجدодлардан мерос келаётган бетақорр ҳунар соҳибаси тимсолида намуна, дея ушбу хонадонга ташриф буюришди.

Қаҳрамонимиз билан яқиндан танишайлик. Раънохон Тошматова Калинин номи мактабни, сўнг Фарғонада Режа-иқтисодиёт институтига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади. Ҳақиқатини айтиш керакки, Бухородаги Мир Араб мадрасасини тамомлаган Миржалолддин Ҳошимов билан оила қуришди. Тиббий техника компаниясига ишга кирди. Оилада бирин-кетин фарзандлар туғила бошлади. Иқтисодий қийинчилик даврлари бўлса ҳам, аёл кўрхонадаги фаолиятини тўхта-тиб, ўзини фарзандлар тарбиясига бағишлади.

– Маърифатли хонадонга келин бўлиб тушганимдан розиман, – деб бошлади суҳбатни Раъно опа. – Қайнотам 40 йил мактабда математикадан сабоқ берган. Мирғани Ҳошимов деса, исмининг салобати босарди одамни. Тикувчилик билан шуғулланган қайнонам – Сожибуви Ҳошимова билан 7 фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, элга ҳалол хизмат қилаётган инсонлар сифатида камолга етишди. Кекса авлод вакиллари мендек ўқувсиз келинига ўзбекна маданият, қадриятларни ўргатишди, аъёнларни сингдиришди. Бунинг учун улардан миннатдорман. Қайнотам “отанинг фарзандига берадиган энг катта бойлиги – берган тарбияси ва билими”, деб бизга бот-бот эслатиб турардилар. Аллоҳ бизга 6 нафар қиз тақдим этди. Уларнинг барчаси олий маълумотли, эл қорига камарбаста. Оиламизда муаллималар, шифокорларимиз бор, акушер-гинекологимиз чиқди. Кенжамиз стоматология соҳасини танлади. Шукур, фарзандларимиз зиёли оилаларга келин бўлишди.

– Иқтисодчидан қандай қилиб таниқли патирчига айландингиз?

– Ушбу ҳунар қайнонам раҳматликка авлодларидан мерос қолган оилавий аъёна эди. Қайнотам доим бизга ўқитардилар: агар уйда тандирда нон ёпилса, демак, уйда барак бўлади. Шу боис, уйимизнинг тандири совуммаган, деб бемалоп айтишим мумкин. Мен ҳам уларга бу ишларида ёрдам бериб келдим. Ҳамюртларимиздан турли буюртмаларни қабул қилдик. Умр йўлдошим билан биргаликда оилавий аъёнамизни давом эттирялми. Халқимизнинг турли маросимлари, бетақорр удумларимизда ойм раҳбарлигида ёпилган патирлар дастурхон безагига айланган. Ойм эти нафар фарзандни вояга етказган бўлсалар, уларнинг бу ишда хизматлари бор. Ўзим эса ушбу ҳунарни эгаллаганимга қарийб чорак аср бўлди. Патирдан ташқари, бўғирсок, қовурма чучвара, норинни ҳам буюртма асосида тайёрлайми. Қизларимиз ҳам имкониятига қараб, ёрдамлашди. Ҳозирги кунда, кўп уй бекалари шундай пишириқларни тайёрлашиб, буюртмачиларига етказиб беришапти.

– Шогирдларингиз кўп бўлса керак-а?

– Оила аъзоларимиз, оймнинг фарзандлари патирларимизнинг тайёрлаш сир-асрорларини жуда яхши билишади, оилаларида ҳам ушбу қадриятни сақлаб қолишга имкон қадар риоя қилишади. Қанча танишлар, кўни-қўшнилар, ёш йигит-қизлар бизнинг ишимизни давом эттиришларини истардик. Айниқса, келинликка тайёрланаётган қизларимизга ўзбекна таомларимиз, бетақорр қадриятларимизни ўргатиш орзуим. Қани энди, қизларини узатишга тайёрлаётган оналар “қизимни шогирдликка олинг”, деб келишса, қувонган бўлардим. Бугунги кунда кўплар меҳмон келса, пишириқларга тайёр буюртма беради, ҳатто оилавий тадбирларни тамаддиҳоналарда ўтказишга одатланган. Нима эмиш, бунга кўп вақт сарфланар экан. Ахир оилаларимиз катталари оила аъзолари томонидан хонадонларда тайёрланган таомда барак бор, зеро, хонадон бекаси тайёрлаётган таомига ўзининг руҳий қувватини, эзгу ниятларини жойлайди, деб бежиз айтишмаганларку, деб ўйланиб қоламан.

– Раъно опа, “Журналист касбини ўзгартиради” лойиҳасида иштирок этсангиз. Аждодларингиз розилиги, дуолари билан келаётган бир ҳову нур ва хайрни устозлик қилиб менга илининг, мен эса ўз оиламизда муштарийларимиз хонадонларига улашай. Розимисиз?

– Суҳбатдошимнинг кўзлари порлаб, кутилмаган савол ва таклифдан қувониб кетди ва:

– Албатта, жудаям хурсанд бўлардим, – деган жавобни олдим.

М. САЪДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

»»» Обуначиларимиз орасида

УМАРОВ – ИБРАТЛИ ФУҚАРО



Сайрам туманидаги таълим муассасаларида фахрийлар иштирокида ўтаётган “Жасорат сабоғи” ўсмирлар тарбиясида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Яқинда туман “Ёшлар имконият маркази” ва “Тоғли Қорабоғ уруши фахрийлари ва ноғиронлари жамоат бирлашмаси”нинг туман бўлими ташаббуси билан Қорасув қишлоғидаги 74-сонли умумтаълим мактабида учрашув ўтди.

Тадбирда Тоғли Қорабоғ уруши фахрийлари ҳарбий хизматнинг машаққатлари ҳақида сўзладилар. Улар ёшларни Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ва мардонавор ҳимоя қилишга чақирдилар.

– Ҳарбий бурчимизни адо этиб, Тоғли Қорабоғда қариялар, оналар ва ёш болаларни ҳимоя қилдик. Биз оғир пайтларда бир-биримизни қўллаб-қувватладик. Юртга хизмат қилиш, унинг тараққиётига ҳисса қўшиш – энг

ЖАСОРАТ САБОҒИ



улуғ жасоратдир. Тинчлик – бебаҳо бойлик эканлигини доимо ёдда тутинг. Ватанимиз тарихини билиш, уни эъзозлаш, шу замин тинчлиги ва осойишталигини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Жасорат нафақат жанг

майдонида, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида намоён бўлади. Тарихимизни унутмайлик, ҳурмат қилайлик, эртанги кунга ишонч билан олға интилайлик. Ватанга хизмат қилиш шарафдир, – дея ўз сўзини яқунлаган мазкур ташкилот раиси Бахтияр

Батаев ўқувчиларни яқин кунларда ўтадиган “Ёш аскар” ҳарбий-спорт мусобақасида фаол иштирок этишга чақирди.

Фахрийларнинг жанговар йўли, жасоратлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

ОНА ТИЛИМ –
ЖОНУ ДИЛИМ

Она тили қадим-қадимдан улуғ аجدодлардан бизга етиб келган беназир хазинадир. Ҳар қандай тилда у мансуб бўлган халқнинг маънавияти, руҳий олами, ақл-идроки, инсоний фазилатлари ўз ифодасини топади. Ҳўш, тилнинг мўъжизавий қудрати нимада?

Дунёда турли миллат ва элатларга тегишли уч мингдан ортиқ тил мавжуд. Мен инглиз, рус, қозоқ тилларини биламан. Лекин она тилим – ўзбек тилидир. Тилнинг мўъжизавий қудрати шундаки, киши ўзи учун мутлақо бегона халқ тилидаги сўзлашувни эшитар, қўшиқни тинглар, бирор урф-одатига гувоҳ бўлар экан, шу миллат ҳақида маълум тасаввурга эга бўлади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадуғ билиг” асариде тил одоби ҳақида шундай дейилган: “...Тил ақл ва билимнинг таржимонидир. Киши тили билан бахтли бўлади”.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий тилни инсонни ҳайвондан ажратувчи “гавҳари шариф”га ўхшатади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзлари ҳам айна ҳақиқат: “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.

Тил шундай бир боғки, ундаги ҳар бир ниҳол, ҳар бир гўнчанинг ўз ўрни бор, борди-ю улардан бири эътиборсиз, парварисиз қолса, боғнинг кўрки бузилади. Эътиборсизлик қандай маънавий фожаларга олиб келиши мумкинлигига тарихда мисоллар кўп.

Юқориде келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, йиллар давомида шакланган, сайқал толган, беқиёс хазина – она тилимиз биз, биздан кейинги авлодлар учун ҳам ноёб мерос ҳисобланади. “Тилни асраган эл бой бўлади, уни йўқотган эл эса йўлидан, ўзлигидан адашади”, деб бежиз айтилмаган.

Тилни бугунги кунни олис ўтмиш билан боғловчи маънавий кўприкка қиёслаш мумкин. Бу кўприк инсоний комилликка даъват этади.

Мухтасар қилиб айтганда, неча асрлар давомида мураккаб қийинчиликларни бошидан кечирган, бизнинг замонимизгача етиб келган она тилимизни эъзозлаш, унинг софлиги учун жон куйдириш, севиб ардоқлаш, бойитиш, қолаверса, келажак авлодга буст-бутун етказиш аждодлар руҳи олдиде маънавий бурчимиздир.

Сарвиноз ИНОҒОМОВА,
Туроб Тула номи умумтаълим
мактабининг 11-синф ўқувчиси.

Билимли ёшлар
келажак пойдевори

Баҳром Мирзаев раҳбарлик қилаётган бу мактаб замонавий жиҳозлари, тоза ва шинамлиги билан ажрალიб туради. Мактабда 300дан зиёд ўқувчи таҳсил олмақда.

Таълим ва тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилиб, сифат ва самарадорлигини оширишда директор билан ҳамоҳанг фаолият юритаётган илмий мударалар Гулнора Матмураева, Анор Азизова, Меҳрибон Маматризова, директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Камола Низомова, Собит Мирзанеъматов, Шоҳида Сафаваларнинг ҳам фидойиликларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2024-2025 ўқув йилида қишлоқ мактаблари учун ташкил этилган қишлоқ олимпиадаси маррасига етди. Унинг республика босқичи яқунлари натижасига кўра, ушбу мактабнинг 11-синф ўқувчиси Жасмина Муҳиддинова икки йил давомида қозоқ тили фанидан олтин медалига ноил бўлиб, синф раҳбари Шаҳноза Анорбоеванинг ишончини оқлади. Бу ютуқлар замирида тинимсиз меҳнат, ўз ишига виждонан ёндашиш, фидойилик мужассам.

Шулпас, олдида улкан мақсадлар қўйиб, ёшлар келажаги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган фидойи устозларга сиҳат-саломатлик, таълим-тарбия ишларига ривож тилаб қолаимиз.

Ойдинниса ВАҒОЕВА,
Кентов шаҳар “Ақын-тўма” умумтаълим мактабининг
ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибоб – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7741-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт
ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллиф-
лар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб
қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги
томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.
“ERNUR print” МББ бошқарувида чоп этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатиши – 65466. Адади – 11700 нусха.

Бирор
181. Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.